

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АКБАР ҚИЛИЧБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИНИНГ *LAGOSCHILUS BUNGE* (LAMIACEAE
LINDL.) ТУРКУМИ КАМЁБ ВА ЭНДЕМ ТУРЛАРИНИНГ
ОНТОГЕНЕТИК СТРУКТУРАСИ ВА ЦЕНОПОПУЛЯЦИЯЛАРИ
ҲОЛАТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD)**

Ахмедов Акбар Қиличбаевич

Ўзбекистон флорасининг *Lagochilus* Bunge (Lamiaceae Lindl.) туркуми камёб ва эндем турларининг онтогенетик структураси ва ценопопуляциялари ҳолати 5

Ахмедов Акбар Қиличбаевич

Онтогенетическая структура и состояние ценопопуляций редких и эндемичных видов рода *Lagochilus* Bunge (Lamiaceae Lindl.) флоры Узбекистана..... 21

Akhmedov Akbar Kilichbayevich

Ontogenetic structure and populations state of rare and endemic species of the genus *Lagochilus* Bunge (Lamiaceae Lindl.) in the flora of Uzbekistan..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 42

**БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.В.39.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БОТАНИКА ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АКБАР ҚИЛИЧБАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИНИНГ *LAGOSCHILUS BUNGE* (LAMIACEAE
LINDL.) ТУРКУМИ КАМЁБ ВА ЭНДЕМ ТУРЛАРИНИНГ
ОНТОГЕНЕТИК СТРУКТУРАСИ ВА ЦЕНОПОПУЛЯЦИЯЛАРИ
ҲОЛАТИ**

03.00.05 – Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/V133 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ботаника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.floruz.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хасанов Фуркат Орунбаевич
биология фанлари доктори, профессор

Азимов Ибрагимжон Тошпулатович
биология фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация химояси Ботаника ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 27.06.2017.В.39.01 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «28» декабр куни соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй. Ботаника институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: botany@academy.uz).

Диссертация билан Ботаника институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (36-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 32-уй, Тел.: (+99871) 262-37-95.

Диссертация автореферати 2018 йил «15» декабр куни тарқатилди.
(2018 йил «15» декабрдаги 12-рақамли реестр баённомаси).

К.Ш. Тожибаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Б.А. Адиллов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, б.ф.н.,
катта илмий ходим

Ф.О. Хасанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёдаги иқлим ўзгаришлари ва табиий экосистемаларга антропоген босимнинг йилдан-йилга ошиб бориши биохилма-хилликнинг камёб ва эндем компонентлари ҳолатига, айниқса, салбий таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда камёб ва йўқолиб бораётган тур популяциялари тарқалган ҳудудларни муҳофаза қилиш биохилма-хилликни сақлаб қолишнинг асосий стратегик йўналиши сифатида эътироф этилмоқда. Бу ўринда, камёб ва эндем турлар популяциялари ҳолатини баҳолаш ва уларга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда турли омиллар натижасида ўсимлик популяцияларининг қисқариш сабабларини аниқлаш, улардаги ўзгаришларни баҳолаш ва сақлаб қолиш бўйича бир қатор илмий натижалар олинган. Бу борада, камёб ва ноёб ўсимлик турларини сақлаб қолишнинг ҳалқаро тизими яратилди, популяциялар инқирозига таъсир этувчи омиллар кўламини баҳолаш усуллари такомиллаштирилди ва тур популяцияларини *quasi in situ* шароитида муҳофаза қилиш усуллари ишлаб чиқилди. Бу ўринда, камёб ва ноёб ўсимлик популяцияларининг онтогенетик структурасини аниқлаш ҳамда бар қатор организм ва популяция белгиларини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу белгиларнинг йиғиндиси натижасида турлар табиий популяцияларини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилишда амалий аҳамиятга эга бўлган турларнинг эколого-фитоценотик оптимумлари белгиланади. Таъкидлаш лозимки, келиб чиқиш маркази Ўрта Осиё ҳисобланган *Lagochilus* Bunge туркуми алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, дунёда тарқалган жами туркум вакиллариининг 26% шу ҳудудда камёб, эндем ва реликт турлар сифати ўрин олган. Бироқ сўнгги йилларда ҳудудда экологик вазиятнинг кескинлашуви туркум вакиллари популяцияларининг қисқариши ва йўқолишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, *Lagochilus* туркумининг камёб ва эндем турлари ценопопуляцияларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш, муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва истиқболли турларини иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикада ўсимликлар олами объектларини инвентаризациялаш ва муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, республикада маъмурий ва локал ҳудудларининг камёб ва эндем турлари кадастри тузилди, ценопопуляцияларининг ҳозирги ҳолати баҳоланди ва уларни табиий яшаш жойларида муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида¹ «... атроф-муҳит ва генофондга таъсир этувчи муаммоларни бартараф этиш» вазифалари белгилаб берилган. Шунга кўра, *Lagochilus* Bunge туркуми

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

турлари ценопопуляцияларини аниқлаш, уларнинг ҳолатига таъсир этаётган омилларни асослаш, табиий популяцияларини сақлаб қолиш ва *ex situ* шароитида коллекциясини яратиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 21 сентябр 2016 йилдаги №409 «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш» тўғрисидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032-сон «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлик-фарм» ва «Паркент-фарм» эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликлар популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолашга, уларни турли *in situ*, *ex situ*, *quasi in situ* шароитларда сақлашга, камёб турлар популяцияларининг барқарорлигини таъминлашга, уларнинг рўйхатини шакллантиришга ва турли омиллар туфайли табиий ареаллари қисқариб бораётган турларни сақлаб қолишга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг бир қатор илмий муассасаларида олиб борилмоқда (S.Volis&al. 2010, 2015; L.N.Joppa&al., 2011; M.Yang, 2013; J.S.Lefcheck&al. 2015; L.Wei& al., 2015). МДХ мамалакатларида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини организм ва популяцион белгилар орқали баҳолаш В.А. Черемушкина, А.Ю. Асташенков (2009), Е.Б. Колегова (2010), Т.В. Леонова (2011), Е.М. Олейникова (2014), И.Н. Барсукова (2016), Х.Ф.Шомуродов ва бошқ. (2017), О.С.Абдураимов (2017) ва бошқаларнинг ишларида ёритиб берилган.

Ўзбекистонда тарқалган *Lagochilus* Bunge туркумининг ареаллари, ўсимликлар қопламида тарқалиши ва таксаномиясига оид маълумотлар Ўзбекистон флораси (1941), «Ўрта Осиё ўсимликларининг аниқлагичи» (1971), М.И. Икрамов (1976), Н.Ю. Бешко (1999, 2013) ва бошқалар ишларида келтирилган.

Адабиёт манбаларида *Lagochilus* Bunge туркуми турлари популяцияларининг ҳолати ва онтогенезининг хусусиятларига оид маълумотлар мавжуд эмас. Шунга кўра, Ўзбекистон флорасининг *Lagochilus* Bunge туркуми турларининг онтогенезини ўрганиш, ценопопуляцияларининг структураси ва ёшга кўра типларини аниқлаш, организм ва популяцион белгилари асосида ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш, турларнинг тарқалиш ва виталитет ҳолатини акс эттирувчи ГАТ хариталарини тузиш,

уларга таҳдид солувчи омилларни аниқлаш ва ўрганилган турларнинг табиий популяцияларини сақлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т005 «Чўлланиш жараёнида Қизилқум қолдиқ тоғлари камёб ўсимликлари ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш» (2015-2017) ҳамда Самарқанд давлат университетининг А-8-1 «Нурота ва унга чегарадош ҳудудларда *Lagochilus* Bunge туркуми (Lamiaceae Lindl.) доривор турлари ценопопуляцияларининг структурасини ўрганиш» (2015-2017) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда тарқалган *Lagochilus* Bunge туркуми камёб ва эндем турлари ценопопуляцияларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ҳамда муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Lagochilus Bunge туркуми ўрганилган турларининг Ўзбекистон шароитида эколого-фитоценотик тарқалишини аниқлаш;

тадқиқот объектининг онтогенез хусусиятларини ўрганиш;

ценопопуляцияларнинг онтогенетик структурасини ва типларини аниқлаш;

организм ва популяцион белгилар таҳлили асосида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш;

ценопопуляцияларнинг виталитет ҳолатини ақс эттирувчи ва тарқалиш хариталарини тузиш;

ўрганилган турлар популяциялар ҳолатига таҳдид солувчи омилларни аниқлаш ва муҳофаза чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда тарқалган *Lagochilus* Bunge туркумининг 6 тури: *Inermes* Fisch. et Mey секциядан – *L.inebrians* Bunge, *L.proskorjakovii* Ikram., *L.gypsaceus* Vved., *L.acutilobus* (Ledeb.) Fisch.&С.А.Mey; *Spinosi* Fisch. et Mey секциясидан – *L.olgae* Kamelin, *L.vvedenskyi* Kamelin& Tzukerv. ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети *Lagochilus* Bunge туркуми турларининг морфологияси, онтогенези, экологияси ва ценопопуляциялари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда геоботаник, морфологик, фенологик, биометрик, статистик ҳамда ГАТ хариталар тузишнинг замонавий усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида *Lagochilus* туркуми турлари 26 та ценопопуляцияларининг экологик-фитоценотик тарқалиши аниқланган;

илк бор *Lagochilus* туркуми турларининг онтогенези босқичлари ва типлари очиқ берилган ва ценопопуляцияларининг характерли спектрлари аниқланган;

туркум турлари ценопопуляцияларининг онтогенетик структураси ва

ёшга кўра типлари аниқланган ҳамда улар ҳолатига таъсир этувчи омиллар асосланган;

организм ва популяцион белгилар таҳлили асосида ценопопуляцияларнинг замонавий ҳолати баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

М.Икрамов (1976) томонидан фанга киритилган *L.proskorjakovii* ва *L. ferganensis* турларининг номенклатур типлари топилган ва TASH миллий гербарийсига киритилган;

турлар 26 та ценопопуляцияларининг тарқалиши ва виталитет ҳолати акс эттирилган ГАТ хариталари тузилган ва шу асосда уларнинг муҳофаза чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижалари Навоий ва Бухоро вилоятлари камёб ва эндем турлари кадастрини тузишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда қўлланилган замонавий усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, тадқиқотлар давомида йиғилган гербарий намуналарининг Миллий гербарийда (TASH) сақланаётганлиги ва диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда тарқалган *Lagochilus* туркуми турлари ценопопуляцияларининг ҳолатини аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда баҳоланганлиги, турларнинг онтогенезини тавсифланганлиги, онтогенетик структураларнинг аниқланганлиги, ценопопуляцияларнинг баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти камёб ва эндем турлар бўйича узоқ муддатли мониторинг тадқиқотларини олиб бориш, ценопопуляцияларини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, тирик коллекцияларини ташкил қилиш ва улардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш истиқболларини белгилашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон флорасининг *Lagochilus* Bunge (Lamiaceae Lindl.) туркуми камёб ва эндем турларининг онтогенетик структураси ва ценопопуляциялари ҳолати бўйича олинган натижалар асосида:

Lagochilus туркуми 6 та камёб ва эндем турларининг янги ўсиш жойлари ва ценопопуляцияларининг тарқалиш ҳамда виталитет ҳолати акс эттирилган ГАТ хариталари Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси амалиётига жорий қилинган (Биохилма-хилликни ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг 2018 йил 23 июлдаги 01-01/12-02-11-1122-сон маълумотномаси). Натижада турлар ценопопуляцияларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

Lagochilus туркуми турлари уруғлари унувчанлигини ошириш, кўчат тайёрлаш ва кўпайтириш усуллари бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси амалиётига жорий қилинган (Биохилма-хилликни ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг 2018 йил 23 июлдаги 01-01/12-02-11-1122-сон маълумотномаси). Натижада *Lagochilus* туркуми турлари табиий популяцияларини қайта тиклаш ва сақлаб қолиш ҳамда тирик коллекцияларини яратиш имконини берган;

Lagochilus туркуми турларидан уруғлик-оналик питомникларини ташкил этиш йўллари бўйича амалий тавсиялар Самарқанд вилояти Пайарик тумани «Оташ даласи» фермер хўжалиги ерларига ҳамда Жиззах вилояти Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфидаги Нурота ўрмон хўжалиги худудига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 16 августдаги 05/05-3177-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий ва хорижий фармацевтика бозорида хом ашёсига талаб юқори бўлган *L.inebrians* нинг уруғлик-оналик питомнигини ташкил этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «*Lagochilus Bunge* туркуми турларининг тарқалиши ва хўжаликдаги аҳамияти» деб номланган биринчи бобида *Lagochilus* туркуми турларининг Ўрта Осиёда тарқалиши ва фойдаланилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Lagochilus туркумининг ер юзида 76 та тури мавжуд (www.theplantlist.org). А.И. Введенский (1961) маълумотида кўра, Ўзбекистонда туркумининг 13 тури учрайди. Кейинчалик Т.И. Цукерваник (1985) Ўрта Осиёда туркумининг 33 тури тарқалганини қайд этиб, аввал Ўзбекистон флораси учун келтирилган *L. intermedius* турини синонимга киритади. Аммо у Ўрта Осиёда учрайдиган 33 турдан 16 тасини Ўзбекистонда тарқалгани таъкидлайди. Миллий гербарий фондида сақланаётган намуналарнинг таҳлили Ўзбекистон флорасида туркумининг 18 турининг учрашини кўрсатди. Улардан 4 таси (*L.vvedenskyi*, *L.olgae*, *L.proskorjakovii*, *L.inebrians*) Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган (2009).

Диссертациянинг «***Lagochilus Bunge* туркуми турларининг эколого-фитоценотик тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида турларнинг тарқалиши ва ўсиш жойларининг экологияси ҳақида маълумотлар баён этилган.

Диссертацияда турларнинг жами 26 та ценопопуляциясига (ЦП) оид маълумотлар келтирилган (7 та ЦП *L.inebrians*, 4 - *L.proskorjakovii*, 2 - *L.gypsaceus*, 5 - *L.acutilobus*, 4 - *L.olgae* и 4 - *L.vvedenskyi*). Ценопопуляцияларнинг аксарияти бодомчали ва шувокли формациялар таркибида денгиз сатҳидан 127-1835 м баландликда учрайди. Диссертацияда ўрганилган ценопопуляциялар тарқалган ўсимлик жамоалари ва уларнинг экологик мослашувчанлиги тўлиқ тавсифланган. Қуйида ценопопуляцияларнинг аниқ географик координаталари ва тарқалиш харитаси келтирилган.

Диссертациянинг «***Lagochilus Bunge* туркумининг камёб ва эндем турлари онтогенези**» деб номланган учинчи бобда туркум турларининг онтогенези батафсил ёритиб берилган.

Майса (*p*) уруғпалла ва 2 та ассимиляцияловчи чин баргдан иборат. Асосий илдиз ва гипокотиль яққол ривожланган. Уруғпалла барглари эллипсимон (*L.vvedenskyi* да узунлашган) шаклда бўлиб, узунлиги 0.2-0.8, эни 0.2-0.3 см ни ташкил қилади. *L.inebrians* яшил барглариининг банди билан узунлиги 0.6-0.8 см, бошқа турларда эса 0.3-0.6 см, эни 0.2-0.3 см. Барглар безчали тукчалар билан қопланган. *L.gypsaceus* да гипокотиль суст ривожланган бўлиб, узунлиги 2 мм дан ошмайди. Бошқа турларда эса гипокотильнинг узунлиги 7-10 мм, эпикотиль узунлиги эса 1-3 мм гача етади. Асосий илдиз 2.0-3.0 см. Майса босқичининг давомийлиги бир неча ҳафтани ташкил этади.

Уруғ униб чиққан йили уруғпалла барглари сарғайгандан сўнг ўсимлик ювенил (*j*) ҳолатга ўтади. Ювенил туплар моноподиал ўсувчи якка новдали ўсимлик. Учки куртак йириклашади ва ассимиляцияцион барг ҳосил қилувчи 2-4 метамер ҳосил қилади (*L.inebrians* да 6-8 метамер). Турларга қараб барглар тескари тухумсимон, эллипсимон, овал шаклдаги пластинкага эга бўлиши мумкин. Барг узунлиги 0.3-1.5 см, эни 0.2-0.6 см. Очиқ ён куртаклар барча барглариининг қўлтиғида жойлашади ва 2 муртак метамер ва ўсиш конусидан таркиб топган бўлади. Асосий илдиз 2.0-8.0 см, ёзнинг иккинчи ярмида у

Ўсишдан тўхтагач, пастки қисмидан барг қўлтиғи куртаклари очилади ва ассимиляция барг ҳосил қилувчи 1-2 метамердан таркиб топган пролептик узун новдалар шаклланади. Уруғпалла ва 1-3 жуфт (баъзида 1-2 жуфт) қуйи ассимиляция барглари қўлтиғида жойлашган куртаклар тиним даврида қолади. Дастлабки шохланган новда ҳосил бўлади. Туплар имматур ҳолатига ўтади (*im*). Барглари аста секин сарғаяди ва нобуд бўлади. Барг япроғи (банди билан) узунлиги 2.0-3.0 см, эни 0.5-0.8 см (6-8 жуфт). Асосий илдиз 6.0-8.0 см узунликка етади, унинг апикал қисмида 1-2 ён илдизлар ҳосил бўлади. Вегетация даврининг якунида новданинг аксарият қисми нобуд бўла бошлайди. Фақат 2 тадан 4 тагача метамер очик куртаклар билан қолади. Уруғпалла қўлтиғи субстрат юзасида жойлашади. *L.proskorjakovii* ва *L.gypsaceus* туплари *im* босқичига 2-йили ўтади. Тикланиш уруғпалла баргларида ён куртаклари ҳисобига юз беради. Вегетация якунида бирламчи новданинг катта қисми нобуд бўлади. Унинг базал қисми кўп йилликка айланади ва ундан йиллик новдалар шаклланади. Шундай қилиб, *L.gypsaceus* нинг бирламчи новдаси ди-, трициклик ярим қисқа бўғинли. Бирламчи новданинг базал қисми ҳисобига каудекс шакллана бошлайди ва каудексининг бўйи 0.3–0.6 ва эни 0.2–0.4 см га етади. Асосий илдизнинг узунлиги 4.0-6.0 см, II тартибгача шохланади.

Иккинчи йили туплар виргинил ҳолатга ўтади (*v*). Моноподиал ўсиш симподиал ўсишга айланади. Асосий поя куртагидан 2 та узун бўғинли вегетатив йиллик новда ва ўтган йилги поянинг қисқа бўғинли қисмидаги метамерларда жойлашган куртаклардан ҳосил бўлган 2-5 қисқа бўғинли новдалардан ташкил топган ва уларнинг фақат 2 таси янгиланган новда ҳисобланади. Қолган куртаклар тиним даврига ўтади. Узун бўғинли йиллик новданинг узунлиги 4.0–7.0 см ва 4-8 жуфт барг бўлади. Биринчи метамернинг барглари ўйилган, қолганлари уч бўлмалли. Барглари узунлиги 1.0-2.0 см, эни 0.5-0.8 см гача етади. Вегетация охирига келиб алмашадиган новдаларнинг аксарият қисми нобуд бўлади. Субстрат юзасида новданинг қисқа метамерли қисмлари очик куртаклар билан сақланиб қолади. Кузда новданинг пастки қисми тупроққа киради ва каудексга қўшилади ва унинг қалинлиги 2-4 мм гача етади. Учки куртак қишлаб қолади. Асосий илдизнинг айниқса базал қисми қалинлашади ва III тартибгача шохланади. Шундай қилиб, прегенератив давр ўрганилган турларда 2-3 йил давом этади.


3-4 йилга келиб туплар гуллай бошлайди. Туп 1-3 генератив (*g1*) ва 3-5 моноциклик узун бўғинли вегетатив новдани иборат. Генератив новда *Inermes* секцияси турларида 4 та қисқарган ва 6-8 та узун бўғинли метамерлардан иборат, *Spinosi* секцияси турларида эса мос равишда 1 ва 2. Новда 1-2 гулдан иборат қарама-қарши жойлашган ва яхши шаклланмаган дихазийлардан ташкил топган очик фрондоз тирс билан тугалланади. Ёш генератив ҳолатда туплар бир новдали бўлади. Монокарпик новда ярим қисқа бўғинли бўлиб, ҳар йили тикланиш қисмигача нобуд бўлади. Пастки новдаларда учки куртаклар кейинги йилгача сақланиб қолади. Баҳорда ундан узун йиллик генератив ёки вегетатив новдалар ҳосил бўлади. Қолган

новдалар эса нобуд бўлади. Шундай қилиб, *g1* тупларда ҳаётининг 4-йилидан бошлаб тупроқ юзасида жойлашган, асосий поянинг базал қисмидаги куртаклардан кузги моноциклик генератив новдалар тикланади, Л.Н. Дорохина (1969) бундай монокарпик новдаларни яримбутача типига ҳослигини айтиб ўтган. Қисқарган поя тупроқга киради, бир бошли каудек (2 мм) симподий-монохазий ҳосил қилади. Унинг диаметри 0.2-0.5 см. Асосий илдиз тўқ-сарик рангда, бўйи 20-30 см. Ён илдизлар қалинлашади ва IV тартибгача шохланади. Турнинг ушбу босқичи 2-3 йил давом этади.

Етилган генератив ҳолатдаги (*g2*) туплар максимал ўлчамларга эга бўлади. *Inermes* секцияси вакиллари туплари 4-6 (8) моноциклик шохланган узун генератив новдалардан иборат, *Spinosi* секцияси вакиллари туплари 2-6 ярим бўғинли генератив ва 2-4 йиллик қисқарган ёки узайган вегетатив новдалардан иборат. Генератив новдаларнинг бўйи биринчи секцияда 10- 60 см, иккинчи секцияда эса 5-20 см.

Генератив новда тузилишида тикланиш қисми (3-4 та қисқа метамерли), қуйи метамерлардан вегетатив, юқори метамерлардан эса генератив (паракладиялар) ҳосил бўлади. Асосий тўпгул – қарама-қарши жойлашган 8.0-10 см узунликдаги 2 та дихазий гулгача редуцияланган тирсдан иборат. Паракладиялар сони 2 тадан 6 тагача ўзгариб туради, узунлиги 3.0-6.0 см. Новданинг узун метамерли қисми нобуд бўлгандан сўнг унинг базал қисми ўсиши ва қалинлашиши мумкин. Ривожланмай қолган куртаклар кўп йиллик ўсимталарда тиним даврига ўтади. Бу ҳолатда қисман партикуляция содир бўлади. Нобуд бўлиш жараёни биринчи новданинг тўқималаридан бошланади ва қисман асосий илдизнинг базал қисмини ҳам эгаллайди. Асосий илдиз 25-50 см етади ва IV тартибгача шохланади. Бу босқич давомийлиги 6-12 йил.

Қари генератаив ҳолатда (*g3*) тўлиқ партикуляция содир бўлади ва 2 ва ундан ортиқ партикуладан иборат компакт клон ҳосил бўлади. Ҳар бир партикуладан 3-4 та 8.0-15,0 см баландликда шохланган генератив новда шаклланади. Генератив новда баргларининг ўлчамлари ўзгаради, узунлиги 1.5-4.0 ва эни 0.6-2.7 см га етади. Вақт ўтиши билан партикула марказий ўқининг бир қисми парчаланади ва унинг эвазига клондаги партикулалар сони қисқаради. Асосий илдиз ҳам емирилади, бироқ ҳар бир партикула унинг тирик қисми билан боғлиқ ҳолда қолади. Субсенил (*ss*) босқичидаги ўсимликлар унча узун бўлмайди ва ўзида битта тирик ва бир неча қуриб қолган каудикуллардан иборат ҳамда асосий илдиз билан боғланган симподиал ўсувчи қисмдан иборат. Асосий поя 2-4 та вегетатив узайган новда ва 3.0–5.0 см узунликдаги барг бандида жойлашган 4-6 та баргларга эга. Баргнинг шакли уч бўлмалли. Новданинг янгиланиши каудекснинг кўп йиллик қисмларида жойлашган тиним куртаклари ҳисобига юз беради. Сенил (*s*) ҳолатдаги туплар марказий ўқнинг тирик қисмларида сақланиб қолган тиним куртакларидан ҳосил бўлган 1-3 узун бўғинли новдадан иборат. Новда 2-6 жуфт ювенилдагига ўхшаш барглар ҳосил қилади. Асосий илдизнинг бир қисми сақланиб қолади. Постгенератив давр 2-3 йил давом этади (1-расм).



1-расм. *Lagochilus inebrians* Bunge онтогенези:

онтогенез босқичлари: *j* – ювенил, *im* – имматур, *v* – виргинил, *g1* – ёш генератив, *g2* – ўрта ёшли генератив, *g3* – қари генератив, *ss* – субсенил, *s* – сенил; **новдалар:** 1 – қиска бўғин, 2 – вегетатив ярим қиска бўғинли, 3 – генератив ярим қиска бўғинли, 4 – бойитилиш, 5 – паракладий; 6 – куртак, 7 – куртакли каудикула, 8 – нобуд бўлган каудикула

Диссертациянинг «**Турлар ценопопуляцияларининг онтогенетик структураси ва типлари**» деб номланган тўртинчи бобда ценопопуляцияларнинг ёшга нисбатан структуралари таҳлил қилинган.

Турларнинг биологик хусусиятларидан: уруғ унувчанлиги паст, тез гуллашга ўтиши ва тупларнинг *g2* ҳолатда секин ривожланишидан келиб чиққан ҳолда ўрганилган турлар ценопопуляциялари учун характерли онтогенетик спектр марказлашган ҳисобланади ва чўққи *g2* га тўғри келади. *L.inebrians* нинг ўрганилган барча ЦП марказлашган типга эга ва характерли онтогенетик спектрга мос келади. Тадқиқот давомида аксарият ЦП майса (*j* ва *im*) босқичи кузатилмади. Бу уруғдан кўпайишнинг бир меъёрда амалга ошмаслиги, уруғлар унувчанлигининг пастлиги, мунтазам мол боқилиши ва фитоценотик шароитлар билан ифодаланади (3 ЦП *Eremurus olgae*, 5 ЦП да

эса *Iris songarica* ўсимликнинг ёш тупларини ўсишига бир мунча халақит беради). Ўрганилган барча ценопопуляцияларда g_2 тупларнинг юқори қийматлари, бир томондан, бу ёшда тупларнинг элиминацияси кузатилмаслиги билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, g_2 ёш ҳолати давомийлигининг узайиши билан изоҳланади. Спектрнинг ўнг томонидаги тупларнинг паст қийматлари ёки умуман учрамаслиги, кўп ҳолларда, мазкур турнинг йирик тупларини маҳаллий табиблар ва аҳоли томонидан доривор ўсимлик сифатида йиғиб кетилиши билан ифодаланади. Тупларнинг зичлиги 1 м^2 майдонда 0.7 тадан 2.6 тагача ўзгариб туради. Ценопопуляцияларнинг ёши (Δ -дельта) ва самарадорлигини (ω -омега) ўрганиш уларнинг аксарияти етилган ҳолатда эканини кўрсатди. Қариётган ЦП ($\Delta = 0.544$, $\omega = 0.842$), асосан, баҳорги сел тошқинларидан азият чекадиган сой бўйлари ва қирғоқларда ўсадиган ценопопуляцияларда кузатилди.

L.proskorjakovii нинг ўрганилган барча ценопопуляциялари нормал, тўлиқ аъзоли эмас. Ценопопуляцияларнинг бирортасида ҳам j , im ва s туплар учрамайди. 8 ва 9 ценопопуляциялар фақат генератив туплардан иборат. Ценопопуляцияларда ёш тупларнинг учрамаслиги яшаш шароитлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу тур стенобионт сифатида тошли тўкилмаларда ўсади. Бундай экологик шароитлар уруғларнинг генератив ўсимлик атрофида сақланишига ва уларнинг унувчанлигига тўсқинлик қилади. Куз-киш-баҳорги ёғингарчиликда уруғлар тош кўчмаларида осон ювилиб кетади ва шу тариқа тур ценопопуляциясининг кенгайишига салбий таъсир кўрсатади. 10 ЦП да g_1 тупларнинг максимал қиймати унинг сукцессив характери билан изоҳланади. Яқинда жамоа таркибига кирган *L. proskorjakovii* туплари ҳали ўз онтогенезини яқунламаган. Ўрта ёшли генератив туплар сонининг камлиги ва спектрнинг ўнг томони нол қийматга эгаллиги шундан далолат беради. Тупларнинг ўртача зичлиги 0.35 дан 0.6 дона/ м^2 гача ўзгариб туради. Дельта-омега классификацияси бўйича 8, 9 ва 11 ценопопуляциялар етилган, 10 - етиллаётган типга хос.


L.gypsaceus ценопопуляциялари нормал ва тўлиқ аъзоли. Уларнинг ўртача зичлиги 2.45-3.4 дона/ м^2 . Ўрганилган ценопопуляциялар онтогенетик спектри характерли онтогенетик спектрдан фарқ қилади. 13 ценопопуляция ўнг томонлама спектрга эга бўлиб, максимум g_3 ҳолатдаги тупларга (44%) тўғри келади, 12 ценопопуляция эса ёш тупларнинг устунлиги (82%) яққол намоён бўлган чап томонлама спектрга эга. Музкур ценопопуляция ёш типга мансуб ($\omega = 0.34$; $\Delta = 0.15$), унда виргинил ёшдаги туплар нисбатан тенг тақсимланган ($j - 28\%$, $im - 24\%$, $v - 30\%$). Генератив туплар кам (16%), қари туплар эса деярли учрамайди (2%). *L.gypsaceus* туплари яқинда жамоа таркибига кирган ва ценопопуляция сукцессия босқичида, бироқ тикланишнинг ижобий динамикаси дефинитив ҳолатга тезроқ ўтишига имкон беради деб тахмин қилиш мумкин. 13 ценопопуляция «дельта-омега» классификацияси бўйича етилган ($\omega = 0.74$; $\Delta=0.50$) бўлиб, g_3 тупларнинг юқори қиймати ва уруғдан кўпайишнинг пастлиги ($j - 2\%$, $im - 2\%$) унинг

сукцессив ҳолатда ва қариш босқичида эканлигидан далолат беради. Бунга эса g_2 ҳолат давомийлигининг қисқариши, тупларнинг тезроқ қариш даврига ўтиши ва уларнинг тез нобуд бўлишига олиб келаётган антропоген таъсирлар сабаб бўлади.

L.acutilobus ЦП онтогенетик спектри марказлашган ва чап томонлама спектрлардан иборат. Чап томонлама спектр бир чўққили бўлиб, чўққи g_1 тупларга (14 ва 15 ЦП) ёки j тупларга (16 ЦП) тўғри келади. G_1 тупларнинг юқори қиймати уларнинг прегенератив даврда жадал ривожланиши ва тезда генератив ҳолатга ўтиши билан изоҳланади. 16 ценопопуляцияда *im* тупларнинг устунлик қилиши, аввало, эрта баҳорги совуқ ҳаво натижасида g_1 ва g_2 тупларнинг ялпи нобуд бўлиши билан боғлиқ. 2018 йил эрта баҳорда (март ойининг бошида) ҳаво ҳароратининг қисқа муддатли исишидан сўнг шимолдан кириб келган совуқ ҳаво оқими тупларнинг серсув новдаларига кучли таъсир ўтказгани кузатилди. Ёш новдаларнинг совуқ уруши оқибатида деярли 70-80 % туплар нобуд бўлгани қайд этилди. Уруғларнинг кечроқ униши туфайли (совуқдан сўнг) ценопопуляцияда *im* туплар устунлик қилади. Юқорида келтирилган ценопопуляциянинг онтогенетик спектри турнинг характерли спектрига мос келмайди. 17 ва 18 ценопопуляцияларда g_2 тупларнинг устунлик қилиши ушбу босқичнинг узоқ давом этиши натижасидир (2-расм).

L.olgae нинг барча ценопопуляцияларининг онтогенетик структураси тўлиқ аъзоли эмас, бир чўққили ва марказлашган. Чўққи g_2 тупларга тўғри келади. Мазкур туплар улуши 60-95% гача ўзгариб туради. Туркум вакилларида ценопопуляцияларнинг ўзини сақлаб туриши фақат уруғдан кўпайиш ҳисобига амалга ошади. Ценопопуляция спектрининг чап томонида тупларнинг учрамаслиги уларнинг уруғ билан кўпайиши бир меъёрда амалга ошмаётгани ва яшаш шароитининг фитоценотик шароитлари билан изоҳланади. Баланд бўйли бута ва яримбуталарнинг нисбатан юқори қопланиш даражаси уруғ унувчанлигига ва ёш нимжон туплар яшаб кетишига салбий таъсир кўрсатади. S тупларнинг учрамаслиги турнинг биологик хусусиятларидан биридир, яъни тупларнинг кўпинча g_3 ҳолатда нобуд бўлиши билан боғлиқ. Умуман олганда, онтогенетик спектрда ёш ва қари фракцияларнинг учрамаслиги тур ценопопуляцияларининг пессимал ҳолатда эканлигидан далолат беради.

Тупларнинг зичлиги экологик-фитоценотик шароитларга қараб ўзгариб туради. Тоғнинг майин тупроқли - шағалли қияликларида ҳар хил ўтли-шувоқли-бодомзор жамоаси таркибида (қопланиш даражаси 37-40%) турнинг ўртача зичлиги 0.5 дона/ m^2 ни, шағалли тупроқда эса ҳар хил ўтли-бодомзор жамоаси таркибида (қопланиш даражаси 35-40%) 1.0 дона/ m^2 зичликка эга, уларнинг экологик зичлиги мос равишда 1.42 ва 1.8 дона/ m^2 ташкил этади. «Дельта-омега» классификацияси бўйича ўрганилган барча ценопопуляциялар етилган типга киради.



2-расм. *Lagochilus* туркуми турларининг онтогенетик спектри

L.vvedenskyi ценопопуляциялари нормал, тўлиқ азсосиз. Чап томонлама спектрлар уруғдан мунтазам кўпайиш ва ёш тупларнинг жадал ривожланиши ҳисобига шаклланади. 24 ва 25 ценопопуляциялар марказлашган. Бу генератив даврни нисбатан узоқ давом этиши ва мазкур босқичда туплар элиминациясини деярли кузатилмаслиги билан боғлиқ. «Дельта-омега» таснифига кўра 23 ва 26 ценопопуляциялар ёш, 25 – етилган ва 24- кариётган типга хос.

Диссертациянинг «*Lagochilus Bunge* туркуми камёб ва эндем турлари ценопопуляцияларининг ҳолатини баҳолаш» деб номланган бешинчи бобида турлар ценопопуляцияларининг ҳолати қатор организм ва популяцион белгилар таҳлили асосида баҳоланган.

L.inebrians нинг 7 та ценопопуляцияларидан фақат биттаси организм белгиларининг юқори кўрсаткичларига эга ва популяцион белгиларининг максимал кўрсаткичларига яқин. Мазкур ценопопуляция Нурота тизмасининг шимолий қияликларида ширачли-шувоқзор жамоаси таркибида (3 ЦП) қайд этилган. Ушбу ценопопуляцияда генератив туплар сони, репродуктив ҳаракатчанлик, каудекс диаметри (организм белгилар) нинг максимал кўрсаткичлари ҳамда қопаниш даражаси, *g2* ва *g3* туплар улуши, шунингдек ўсимлик ёш фракциясининг (популяцион белгилар) максимал кўрсаткичлари

аниқланган. Мазкур шароитда ўсимликнинг ҳолати оптимумга яқинлашади. Нуротанинг тоғолди текисликларида ҳар хил ўтли-шувоқзор жамоаси таркибида ўсувчи ценопопуляция (2 ЦП) оптимал ҳолатга яқин эканлиги аниқланди. Ушбу ценопопуляцияда туплар юқори ҳаётчанликка эга бўлиб, бу репродуктив ҳаракатчанлик, туплар биомассаси, генератив новдалар сони ва ўсимлик бўйи каби белгиларнинг максимал кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Марказий Қизилқум, Нурота тоғолди текисликлари ва Шавона аҳоли маскани атрофларида (4 ва 5 ЦП) ковракли-шувоқзор ва гулсафсарли-шувоқзор жамоалар таркибида аниқланган ценопопуляцияларда организм ва популяцион белгилар нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлиб, уларнинг умумий қиймати 29 баллдан ошмаслиги аниқланди (жадвал).

Жадвал

L. inebrians белгилар қийматини баҳолаш шкаласи (балл)

N	Белгилар	Баллар				
		I	II	III	IV	V
1	Туплар биомассаси, г	10,3-17,93	17,94-25,57	25,58-33,21	33,22-40,85	40,86-48,5
2	P/X, %	57,01-62,18	62,19-67,36	67,37-72,54	72,55-77,72	77,73-82,9
3	Генератив новдалар сони, дона	4.4-5.63	5.64-6.87	6.88-8.11	8.12-9.35	9.36-10,6
4	Ўсимлик бўйи, см	22,2-24,39	24,40-26,59	26,60-28,79	28,80-30,99	31,0-33,2
5	Каудекс диаметри, см	0.96-1.35	1.36-1.75	1.76-2.15	2.16-2.55	2.56-2.98
6	Тупларнинг ўртача зичлиги, дона	0.74-1.028	1.029-1.31	1.32-1.608	1.61-1.898	1.90-2.23
7	Тупларнинг экологик зичлиги, дона	1.33-1.55	1.56-1.78	1.79-2.01	2.02-2.24	2.25-2.48
8	ТҚД	1-2.79	2.80-4.59	4.60-6.39	6.40-8.19	8.20-10.0
9	g2 - g3 улуши, %	48,571-57,60	57,61-66,64	66,65-75,68	75,69-84,72	84,73-93,7
10	j - g1 улуши, %	6.25-15,28	15,29-24,32	24,33-33,36	33,37-42,40	42,41-51,4

L. proskorjakovii нинг юқори организм белгилари умумий қопланиш даражаси 14% дан ошмайдиган хаприли-шувоқзор, хаприли-бодомзор ва ҳар-хил ўтли-хапризор жамоалар таркибида ўсувчи ценопопуляцияларда аниқланди. Ушбу ценопопуляцияларда етилган тупларнинг устунлик қилиши туфайли ўсимлик бўйи, туплар биомассаси ва каудекс диаметри каби кўрсаткичлар юқори қийматга эга, 8 ценопопуляцияда «репродуктив ҳаракатчанлик» нинг максимал қийматини «генератив новдалар сони» юқори қийматларига мос келиши аниқланди.

Организм белгиларининг энг кичик қийматлари тошлар кўчиши салбий таъсир кўрсатувчи Нурота тоғи тошли кўчмаларида ўсувчи ценопопуляцияларда аниқланди. Ўрганилган 4 ценопопуляциялардан 3 тасида тупларнинг экологик зичлиги юқори бўлиб (4-5 балл), у турнинг стенобионт хусусиятларидан далолат беради. Популяциянинг бошқа белгилари субстрат ва фитоценотик шароитларга қараб бир-биридан фарқ қилади. Умуман олганда, белгилар йиғиндисининг таҳлили шуни кўрсатадики, тошли-шағалли тупроқда хаприли-шувоқзор жамоа таркибида ўсувчи ценопопуляциялар оптимал ҳолатга жуда яқин. Тош тўқилмаларида

ўсувчи ценопопуляциялар организм ва популяцион белгиларнинг паст қийматларига эгаллиги билан характерланади.

L.gypsaceus нинг ўрганилган 2 ценопопуляцияси организм ва популяцион белгиларининг таҳлили уларнинг пессимал ҳолатда эканлигини кўрсатади. 12 ценопопуляцияда қари ёшли фракцияларнинг паст улуши, туплар зичлиги ва экологик зичликнинг максимал қийматлари унинг сукцессив ҳолатда эканлигидан далолат беради.

L.acutilobus ценопопуляция ҳолатини баҳолаш Устюртнинг шарқий Чинк худудида боялишли-шувоқзор жамоаси таркибида ўсувчи ценопопуляциялар яхши ҳолатда эканлигини кўрсатди. Платодан ажралиб қолган оролчада турли хил антропоген омилларнинг учрамаслиги *L.acutilobus* тупларининг бир меъёра ривожланишига замин яратган. Бошқа турларда кузатилгани каби *L.olgae* ва *L.vvedenskyi* ценопопуляцияларининг ҳам биронтасида организм ва популяцион белгиларнинг максимал қийматлари мос келмайди. Соё бўйида сийрак ўтлоқларда ўсувчи *L.olgae* ценопопуляциялари энг яхши ҳолатда бўлиб, 4 та организм белгилардан 2 таси ва популяцион белгиларнинг барчаси максимум қийматга етади. *L.vvedenskyi* нинг 25 ценопопуляцияси тарқалган шароитни турнинг эколого-фитоценотик оптимуми сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур ценопопуляция шарқий Қулжуктоғда, сутчўпли-шувоқзор жамоаси таркибида аҳоли масканларидан узокда ўсади. Нисбатан юқори ёгингарчилик, яйловларга бўлган босимнинг пастлиги ўсимликнинг яхши ўсиши ва ривожланишига замин яратади. Отарлар атрофида (Оқтошли қудуғи, Қулжуктоғ) ўсувчи ценопопуляциялар организм ва популяцион белгиларининг аксарияти паст кўрсаткичга эгаллиги қайд этилди.

Диссертациянинг «Турлар табиий популяцияларига хавф солаётган омиллар ва муҳофаза чора-тадбирлари» деб номланган олтинчи бобда турлар табиий ценопопуляциялари ҳолатига хавф солаётган асосий омиллар батафсил ёритиб берилган.

L.proskorjakovii ва *L.olgae* популяцияларининг асосий қисми ва *L.linebrians* популяциясининг бир қисми кўриқхона худудида ўсишига қарамай биринчи иккита турнинг популяциялари регрессив ҳолатда. *L. proskorjakovii* нинг барча ценопопуляцияларида туплар сони 150 тадан ва *L.olgae* турида эса 2000 тупдан ошмайди. Охирги тур ценопопуляцияларининг бирортасида ҳам ёш фракциялар учрамайди. Бунга сабаб ўсимликнинг мева бергунгача ўриб кетилишидир (*L.olgae* сифатли хашак тайёрланадиган аралаш ўтлоқзор таркибида ўсади ва кўриқхона билан чегарадош худудларда яшовчи аҳоли бундан ноқонуний фойдаланади). Камёб ва ноёб турлар популяцияларини сақлаб қолиш учун дунё амалиётида турли усуллар қўлланилади. Улардан бири *quasi in situ* усули ҳисобланиб, унинг моҳияти камёб турларни кўриқxonанинг буфер зонасида сақлашдан иборат, яъни уруғ сепиш ва кўчат ўтказиш орқали ёки антропоген омил юқори бўлган худуддан тупларни кўчириб ўтказиш йўли билан йўқолиб бораётган турнинг «сунъий популяцияси» ни яратишдан иборат. Бу усул

L.proskorjakovii va *L.vvedenskyi* ценопопуляция саклаб қолишда ҳам ижобий натижа бериши мумкин, чунки мазкур турларни саклаб қолиш учун Тошкент ботаника боғи ва Қизилқум чўл станциясида тирик коллекция яратиш бўйича олиб борилган урунишлар самара бермади (икки тур ҳам стенобионт ҳисобланади). Муҳофаза қилинадиган ҳудудларда *L.vvedenskyi* тирик коллекциясини яратиш бўйича тадқиқот натижаларига ҳамда О.С.Абдураимов (2017) маълумотларига асосланган ҳолда, ушбу тур популяцияларини унинг ўсиш жойларини (Кулжуктоғ тизмаси) республиканинг муҳофаза қилинадиган ҳудудлари таркибига киритиш орқали саклаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. *L.inebrians* популяциялари сони қисқаришида асосий хавф маҳаллий аҳоли томонидан унинг доривор ўсимлик сифатида йиғиб кетилишидир. Бунга бефарқ бўлмаган ҳолда, фермер хўжаликлари ерларида плантациялар яратиш турнинг табиий популяцияларини саклаб қолишда муқобил усул ҳисобланади. Шу мақсадда Самарқанд вилояти Пайариқ тумани «Оташ даласи» фермер хўжалиги ҳудудида ушбу турнинг плантациялари яратилди. Яратилган плантация икки аҳамиятга эга: биринчидан, тур генофондини саклаб қолиш учун тирик коллекция сифатида хизмат қилади, иккинчидан, сифатли хом-ашё яратиш орқали турнинг табиий популяцияларига бўлган босимни пасайтириш мумкин.

ХУЛОСАЛАР

«Ўзбекистон флорасининг *Lagochilus* Bunge (Lamiaceae Lindl.) туркуми камёб ва эндем турларининг онтогенетик структураси ва ценопопуляциялари ҳолати» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *Lagochilus* Bunge туркуми 6 тури 26 ценотик популяцияларининг экологик-фитоценотик хусусиятлари тавсифланиб, уларнинг аксарияти петрофит жамоалар таркибида, чўл турлари ценопопуляциялари эса турон флористик провинциясига хос бўлган *Artemisieta diffusae* и *Anabaseta salsae* формациялари таркибида тарқалганлиги аниқланди.

2. *Lagochilus* Bunge туркуми турлари оддий, тўлиқ онтогенезли моноцентрик биоморф типига эга эканлиги билан характерланади. Катта ҳаёт цикли давомийлиги турларга қараб 25-30 йилни ташкил қилади.

3. Тупларнинг онтогенездаги энг узоқ ривожланиши g_2 ҳолатга тўғри келади. Шунга кўра, ҳар бир тур учун характерли онтогенетик спектр марказлашган бўлиб, максимум g_2 тупларга тўғри келади.

4. Турларнинг ценопопуляциялари нормал, аксарияти тўлиқ аъзоли эмаслиги билан тавсифланади. Онтогенетик спектрининг чап томонида маълум бир ёш гуруҳларининг учрамаслиги уруғдан кўпайиш бир меъёрда амалга ошмаётганлиги, турли иқлим омиллари таъсирида нимжон туплар элиминацияси ва мунтазам мол боқилиши билан изоҳланади. Ценопопуляцияларда қари фракциянинг паст қиймати турнинг биологияси, яъни аксарият тупларнинг g_2 ҳолатда нобуд бўлиши билан боғлиқ.

5. *L.vvedenskyi*, *L.proskorjakovii*, *L.inebrians* ва *L.gypsaceus* ценопопуляцияларининг базавий онтогенетик спектри назарий онтогенетик спектрга мос келади ва турнинг биологиясини акс эттиради. *L.acutilobus* ва *L.olgae* ценопопуляцияларида уларнинг фарқлиниши экологик-фитоценотик шароитлар ва антропоген босим натижасини англатади.

6. Ценопопуляцияларнинг ёш ҳолати ва самарадорлик индекси уларнинг аксарияти етилган типга киришини кўрсатади. Қариётган ва қари ценопопуляциялар мол боқилиши назорат қилинмайдиган аҳоли масканлари атрофларида тарқалган.

7. Ценопопуляциялар ҳолатини комплекс баҳолаш ценопопуляцияларнинг биронтасида ҳам организм ва популяцион белгиларнинг юқори қийматлари мос келмаслигини кўрсатади. Оптимал ҳолатдаги ценопопуляциялар сийрак ўсимлик жамоаларида, намгарчилик билан таъминланган шароитда ва алоҳида ажралган оролчаларда ўсади. Мунтазам мол боқиладиган худудларда тарқалган ценопопуляциялар пессимал ҳолатда эканлиги билан ажралиб туради.

8. Илмий табобатда фойдаланиладиган турларнинг плантацияларини яратиш уларнинг табиий популяцияларига бўлган босимни сусайтириш учун муқобил инновацион усул ҳисобланиб, бу *L.inebrians* мисолида муваффақиятли амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган турлар (*L.inebrians*, *L.proskorjakovii*, *L.olgae*, *L.vvedenskyi*) генофондини сақлаб қолиш мақсадида Нурота давлат кўриқхонасининг буфер зонасида *quasi in situ* шароитида уларнинг тирик коллекциясини яратиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.В.39.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БОТАНИКИ И
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БОТАНИКИ

АХМЕДОВ АКБАР КИЛИЧБАЕВИЧ

**ОНТОГЕНЕТИЧЕСКАЯ СТРУКТУРА И СОСТОЯНИЕ
ЦЕНОПОПУЛЯЦИЙ РЕДКИХ И ЭНДЕМИЧНЫХ ВИДОВ РОДА
LAGOSCHILUS BUNGE (LAMIACEAE LINDL.) ФЛОРЫ УЗБЕКИСТАНА**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.4.PhD/B133.

Диссертация выполнена в Институте ботаники.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.floruz.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Шомуродов Хабибулло Файзуллоевич
доктор биологических наук

Официальные оппоненты: Хасанов Фуркат Оринбаевич
доктор биологических наук, профессор
Азимов Ибрагимжон Тошпулатович
доктор философии по биологическим наукам

Ведущая организация: Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «28» декабря 2018 года в 15⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.B.39.01 при Институте ботаники и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100125, г.Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Актовый зал Института ботаники. Тел.: (+99871) 262-37-95, факс (+99871) 262-79-38, e-mail: botany@academy.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института ботаники (зарегистрировано за №36). Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, дом 32. Тел.: (+99871) 262-37-95.

Автореферат диссертации разослан «15» декабря 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 12 от «15» декабря 2018 года)

К.Ш. Тожибаев

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.б.н., академик

Б.А. Адиллов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.б.н., старший научный сотрудник

Ф.О. Хасанов

Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальное потепление и усиление антропогенного прессинга на природные экосистемы негативно воздействуют на состояние популяций эндемичных и редких компонентов биоразнообразия. На сегодняшний день охрана природных популяций редких и исчезающих видов является одним из приоритетных направлений сохранения биоразнообразия. В этом контексте оценка состояния популяций редких и исчезающих видов и разработка мер предотвращения угрожающих им факторов имеет важное научно-практическое значение.

В мировой практике получены весомые результаты по выявлению факторов, способствующих снижению численности популяций растений, по оценке их динамики и разработке мер охраны. В результате усовершенствованы критерии оценки популяций угрожаемых видов, предложено сохранение редких и исчезающих видов в условиях *quasi in situ*. Как показали последние исследования, при оценке современного состояния популяций редких, находящихся под угрозой исчезновения видов, особое значение имеет изучение онтогенетической структуры ценопопуляций и анализ ряда организменных и популяционных признаков. На основе последних устанавливается эколого-фитоценотический оптимум видов, имеющий ключевое значение в охране природной популяций угрожаемых видов. Следует отметить, что большинство видов рода *Lagochilus* Bunge, центром происхождения которого служит Центральная Азия, являются узколокальными эндемиками, нуждающимися в охране. 26% представителей рода *Lagochilus* эндемики данного региона, из них 16 видов включены в национальную Красную книгу стран Центральной Азии, среди которых немало реликтовых видов, произрастающих в останцовых горах. В связи с этим оценка современного состояния ценопопуляций редких и эндемичных видов рода *Lagochilus*, разработка мер их охраны, создание плантации востребованных в современной медицине видов и последующее внедрение их в профильные отрасли экономики республики имеет важный научно-практическое значение.

В последние годы в республике особое внимание уделяется инвентаризации и охране объектов растительного мира. На основе проведенных мероприятий в данном направлении, в частности, составлен кадастр редких и исчезающих растений некоторых областей республики, оценено современное состояние их популяций и разработаны меры охраны природных популяций. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ намечено «предотвращение проблем, воздействующих на генофонд и окружающую среду». В этом отношении, научные исследования, направленные на определение популяций видов рода

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

Lagochilus Bunge и факторов, воздействующих на их состояние, сохранение природных популяций и создание коллекций в условиях *ex situ*, имеют важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан №409 «Об охране и рациональном использовании растительного мира» от 21 сентября 2016 г.; Указами Президента Республики Узбекистан УП-5032 «О создании свободной экономической зоны «Нукус-фарм», «Замин-фарм», «Касансай-фарм», «Сирдаря-фарм», «Байсун-фарм», «Бўстанлык-фарм» и «Паркент-фарм»» от 3 мая 2017 г. и УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г., а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

